

“Хазойину-л-маоний” куллиёти туркий шеъриятнинг гултожи бўлиб, жами 16 лирик жанрни ўз ичига олади. Бу шеърий жанрлар хар бир девонга муайян тартиб билан жойлаштирилган ва бу жанрларга оид шеърларнинг умумий сони 3132 га тенг. “Хазойину-л-маоний” куллиёти таркибига кирувчи девонларнинг жанр хусусиятларини кузатадиган бўлсак, улар орасида ўзаро мутаносиблик борлигини кўрамиз. Хусусан, “Гаройибу-с-сигар” ва “Наводиру-ш-шабоб” девонларига 8 тадан, “Бадоेъу-л-васат” ва “Фавойиду-л-кибар” девонларига 9 тадан жанр киритилган ва девонларнинг хажми хам бир-биридан унчалик фарқ килмайди: “Гаройибу-с-сигар”да 840 та шеър (5718, 5 байт), “Наводиру-ш- шабоб” девонида 759 та шеър (5423, 5 байт), “Бадоеъу-л-васат”да 740 та шеър (5420 байт)

ва

“Фавойиду-л-кибар”да 793 та шеър (588,5 байт) мавжуд.

Бу жанрлардан газал, мустазод, мусаддас, таржиъбанд барча девонларга ўзаро тенг нисбатда жойлаштирилган. Мазкур жанрларнинг куллиётдаги тартиби ва ўзаро нисбатини X.Сулаймонов тузган куйидаги жадвалда кўриш мумкин:



### **Навоий фойдаланган лирик жанрлар**

#### **“Гаробу-с-сигар” девонида**

#### **“Наводиру-ш-шабоб” девонида**

“Бадоєъу-л-васат” девонида

“Фавойиду-л-кибар” девонида

Жами түрт девонда

1

Газал

650 та

(4975 байт)

650 та

(4998 байт)

650 та

(5001 байт)

650 та

(5029 та)

2600 та

(20003 байт)

2

Мустазод

1 та

(7 байт)

1 та

(7 байт)

1 та

(7 байт)

1 та

(7 байт)

4 та

(28 байт)

3

Мухаммас

3 та

(57,5 байт)

3 та

(52,5 байт)

2 та

(30 байт)

2 та

(37,5 байт)

10 та

(177,5 байт)

4

Мусаддас

1 та

(27 байт)

1 та

(27 байт)

2 та

(42 байт)

1 та

(21 байт)

5 та

(117 байт)

5

Мусамман

1 та

(28 байт)

1 та

(28 байт)

6

Таржильбанд

1 та

(100 байт)

1 та

(103 байт)

1 та

(56 байт)

1 та

(110 байт)

4 та

(369 байт)

7

Таркибанд

1 та

(56 байт)

1 та

(56 байт)

8

Маснавий

1 та

(148 байт)

1 та

(148 байт)

9

Касида

1 та

(91 байт)

1 та

(91 байт)

10

Сокийнома

1 та

(458 байт)

1 та

(458 байт)

11

Китъа

50 та

(138 байт)

50 та

(126 байт)

60 та

(127 байт)

50 та

(112 байт)

210 та

(503 байт)

12

Рубоий

133 та

(266 байт)

133 та

(266 байт)

13

Муаммо

52 та

(54 байт)

52 та

(54 байт)

14

Лугз

10 та

(40 байт)

10 та

(40 байт)

15

Туюк

13 та

(26 байт)

13 та

(26 байт)

16

Фард

86 та

(86 байт)

86 та

(86 байт)

**Жами**

**840 та (5718,5 б.)**

**759 та (5423,5 б.)**

**740 та (5420 б.)**

**793 та (5888,5 б.)**

**3132 та (22450,5 б.)**

“Хазойину-л-маоний” куллиётида энг кўп кўлланилган жанр бу шубхасиз **газал**дир.

Маълумки, газал арабча “ошикона сўз”, “ишк изх  
ор килиш” маъноларини билдириб,  
*a-a, b-a, c-a, d-a*

...

тарзида  
кофияланувчи,

З байтдан 19 байтгача хажмда бўлган байтли шеър шаклидир. Ўзбек адабиётида  
5-10 байт

ли  
газаллар кўп учрайди. Навоий газаллари эса асосан 7 байтдан 13 байтгача хажмда  
бўлиб, бу хакда шоирнинг ўзи “Бадоеъу-л-васат” девонига киритилган китъасида  
шундай  
маълумот беради:

*Навоий шеъри тўккуз байту, ўн бир байт, ўн уч байт*

*Ки, лавҳ узра калам зийнат берур ул дурри макнундин.*

*Буким албатта етти байтдин ўксук эмас, яъни*

*Таназзул айлай олмас рутба ичра етти гардундин.*

Профессор Хамид Сулаймонов Алишер Навоийнинг “Хазойину-л-маоний” куллиётидаги  
газаллар хажмини куйидаги жадвалда акс эттирган:

**Байтлар сони**

**“Гаройибу-с-сигар” девонида**

**“Наводиру-ш-шабоб” девонида**

**“Бадоेъу-л-васат” девонида**

**“Фаво              ии              ду-л-кибар” девонида**

**Хаммаси**

5

2

-

-

-

2

6

1

3

1

-

5

7

434

446

437

430

1747

8

30

8

8

12

58

9

163

162

187

183

695

10

8

7

1

3

19

11

11

23

14

20

69

12

-

-

1

-

1

13

1

1

1

2

5

650

650

650

650

2600

Газалнинг биринчи байти матлаъ ёки мабдаъ, охирги байти эса мактаъ деб аталади ва мактаъда шоир тахаллуси кўлланилади. Агар иккинчи байт хам матлаъ сингари кофияланса, яъни газал кўш матлаъга эга бўлса, “хусни матлаъ” ёки “зеби матлаъ”ли газал деб аталади.

Газалнинг дастлабки намуналари VIII-IX асрларда араб адабиётида пайдо бўлган, форс-тожик адабиётида илк газал ёзган шоир сифатида Рўдакий тилга олинади. Ўзбек адабиётида эса дастлабки газал Рабгузийнинг “Кисаси Рабгузий” асарида (XIV аср) учрайди.

Газалнинг достонлар таркибида учраши илк бор Хоразмийнинг “Мухаббатнома”сидан (1353-54) бошланади.

Алишер Навоий ўзининг китъаларидан бирида газалдаги устозлари сифатида форс-тожик шоирлари Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий ва Хофиз Шерозийни келтириб ўтади.

Навоий газалларини мавзусига кўра шартли равишда куйидагича тасниф килиш мумкин:

1. Ишкий мавзудаги газаллар
2. Тасаввуфий-фалсафий мавзудаги газаллар
3. Ижтимоий мавзудаги газаллар

4. Табиат тасвири акс этган газаллар

5. Хажвий мавзудаги газаллар.

Аслида бу тасниф нисбий бўлиб, баъзан Алишер Навоийнинг ишкий мавзудаги газаллари таркибида (кўпинча бегона байтда) ижтимоий масалалар билан боғлик байтлар, табиат тасвири акс этган газалларида ёр тасвири ва х.к. мазмунидаги байтларни кузатиш мумкин.

Хазрат Навоий газалиётида ишк мавзуси асосий ўриннни эгаллайди. Бу мавзу умуман мусулмон Шарки шеъриятида хам етакчи ўринда бўлиб, Алишер Навоий бу мавзуга ўз ижодининг деярли барча боскичларида мурожаат килган:

*Эй Навоий, ишк авторини хифз айлай деган,*

*Барча ишни тарк этиб, килсун бизинг девонни хифз.*

Алишер Навоий “Махбубу-л-улуб”да ишкни З даражага ажратади:

1) авом ишки;

- 2) хослар ишки (мажозий ишк);
- 3) сиддиклар ишки (хакикий ишк).

Алишер Навоий ижодида мажозий ишк хакикий ишкка карама-карши кўйилмайди, балки мажозий ишк хакикий ишк учун кўприк деган гоя илгари суриласди:

*Мажоздин манга максуд эрур хакикий ишк,*

*Нединки, ахли хакикатка бу тарикат эрур.*

*Мажоздин чу хакикатка йўл топар ошик,*

*Килур мажозни нафии улки, бехакикат эрур.*

(“Фавойиду-л-кибар, 5-китъа)

Алишер Навоийнинг ишкий мавзудаги газалларидан бирини кўриб чиксак:

Тун окшом бўлдию келмас менинг шамъи шабистоним,

Бу андух ўтидин хар дам куяр парвонадек жоним.

Не гам кўргузса кўксум порасин чоки гирибоним,

Кўрунмас бўлса кўксум ёрасидин доги пинхоним.

Гамидин дурри макнундек, сиришким окти Жайхундек,

Музайян килди гардундек жаҳонни ашки галтоним.

Фалак хам тўлди кавқабдин, куёш хам тушти ашҳабдин,

Келиб тушмас бу маркабдин менинг хуршиди раҳшоним.

*Жахонни зулмат этти чах, бу зулмат ичра ўлгум, вах,*

*Манга бўлсанг не Хизри рах, етиб, эй оби хайвоним.*

*Дема қўктин куёш кетмиш, фалакка тийралик ётмиш,*

*Ул ой хажрида тор ётмиш фалакни дуди афгоним.*

*Навоий кеби хижрондин, бу окшом ўлдум афгондин,*

*Гамим йўқ буйла юз жондин, етиб гар келса жононим.*

Газал 8 байтдан иборат бўлиб, “Гаройибу-с-сигар” девонидан ўрин олган. Кофияланиш тизимиға кўра кўш матлаъли, яъни газали хусни матлаъ. Шунингдек, газалнинг ритмик таъсиричанигини оширадиган яна бир ходиса унинг мусажжаб

(ички кофия) санъати асосида яратилганлигидир. Бу санъатга кўра, матлаъдан кейинги байтлар тўрт бўлакка ажратилиб, дастлабки уч бўлак ўзаро мустакил тарзда кофияланади, тўртинчи бўлак эса асосий кофияга охангдош бўлади.

Газалда ошикнинг хижрону айрилик дамларида чеккан согинч изтироблари, дардли кечинмалари тасвирланган бўлиб, бу тасвирнинг фалак, яъни осмон ходисалари билан уйгун тарзда баён килинганлигини кўрамиз. Газал тун – окшом бошланса хам, ёр, яъни ушбу тунни ёритувчи шамъ келмаганлиги, бу кайгу оташидан ошикнинг жони парвонадай кувиши тасвири билан бошланади. Байтда кўлланилган

*таносуб*

(тун, окшом, шабистон, шамъ, парвона),

*ташбех, тавзеъ*

(ок

ш

ом,

ш

амъ,

ш

абистон) каби санъатлар матлаъдаёк газалнинг таъсирчан чикишига замин хозирлаган.

Кейинги байтларда ушбу тасвир янада кучайтирилади.

### **Иккинчи байт:**

Агар кўксимнинг ярасидан яширин гамим кўринмаса, не гам?! Чунки кўксимнинг пора бўлганлигини либосим ёкасидаги чок кўрсатиб турибди.

*Хусни таълил* (чиройли далиллаш) ва *ташбех* санъатларининг уйгунилиги байтнинг таъсирчанлигини оширган.

### **Учинчи байт:**

Ёримнинг гамидан яширин дурдек кўз ёшим Жайхун дарёсидек окди, бу кўз ёшимнинг дона-дона томчилари жаҳонни худди юлдузли осмондек безади.

Айни шу байтдан бошлаб, мусажжаъ санъати (макнундек, Жайхундек, гардундек) охангдорликни кучайтиради ва бу охангдорлик газал охиригача давом этади.

### Тўртинчи байт:

Осмон юлдузлар билан тўлди, куёш хам ўз отидан тушди, яъни ботди, лекин менинг күёшим, яъни ёрим Рахш отидан тушиб, хузуримга келмайдими?

Байтда Алишер Навоий бадиий маҳорати ва сўз бойлигининг яна бир намойишига гувоҳ бўламиз: офтоб тушунчаси З хил сўз воситасида: куёш, хуршид, раҳшон ва от тушунчаси ашҳаб ва марқаб сўзлари воситасида ифодалаб бериляпти.

### Бешинчи байт:

Зулмат жаҳонни кудукка айлантирди, энди бу зулмат ичидаги ўлмогим тайиндир. Канийди менинг оби хайвон (тириклик суви)дек ёрим етиб келиб, Хизр каби йўлбошли бўлиб, мени куткарса.

Маълумки, мумтоз адабиётда Хизр оби хаётни ичган тимсол сифатида келиб, байтда бу номнинг кўлланилиши талмех санъатини вужудга келтиряпти.

### Олтинчи байт:

Осмондан куёш кетди, атроф коронгиликка чўмди деб ўйлама. Аслида бу менинг ойдек ёрим хажридан чеккан фигонларим тутунидир.

Байтда истиора ва муболага санъатларининг бетакор намуналарига гувох бўламиз.

### Еттинчи байт:

Ёрим гамида менинг бу пинхон ёнишимидан күёш кочиб, юзини яширди; шафак оташга тушиб куйди, осмоннинг юзига эса доглар тушди.

Байтда *хусни таълил* санъати ва *таносуб* санъатлари кўлланилган.

Газал ёр висолига илинж ва умидворлик туйгулари билан якунланади:

Айрилик изтироблари ичida Навоий каби бу окшом фигон чекиб ўлмокдаман, лекин менга жон кайгуси бегона, факат жононим етиб келса бўлгани.

Байтда “жон” ва “жонон” сўзлари воситасида вужудга келтирилган *иштиқок* санъати байтнинг лисоний жозибасини оширган.

Газал аruz тизимининг сокин ва хазин охангга эга вазнларидан бири бўлган *хазажи мусаммани солим*

(руқнлари ва тактиъи: мафоийлун мафоийлун мафоийлун мафоийлун

V --- / V --- / V ---

V ---

) вазнида яратилган. Бу бежиз эмас, чунки мусажжаъ газал шартлари (байтларнинг ўзаро тенг тўрт бўлакка бўлинishi) шуни такозо этади.

“Хазойину-л-маоний” куллиётига газалдан кейин тартиб бўйича **мустазод** жанри киритилган бўлиб, куллиётда мустазодлар сони тўртта, яъни хар бир девонга тенг тарзда жойлаштирилган. Мустазод арабча “орттирилган”, “зиёда килинган”

маъноларини билдириб, хар мисраси 1,5 катордан иборат шеър шаклидир. Мустазод учун газал асос – замин вазифасини ўтайди. Иккала жанрнинг кофияланиш тизими, байтлар сони, матлаъ ва мактаъ, тахаллуснинг мавжудлиги бу фикрни исботлайди. Лекин газал аruz тизимининг барча баҳрларида яратилгани холда мустазод факат хазаж баҳрининг

*хазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуфи мустазод*

(рукнлари ва тактиъи: мағъулу мағоийлу мағоийлу фаувлун мағъулу фаувлун

--

V / V

--

V / V

--

V / V

-- / --

V / V

--

) вазнида ёзилади.

Туркий адабиётда Алишер Навоийгача мустазод жанри Хофиз Хоразмий ижодида учрайди. Унинг девонида хар бири 7 байтдан иборат иккита мустазод мавжуд.

Алишер Навоий “Мезону-л-авзон” асарида мустазод жанрига алохида таъриф бериб, унинг оханги суруд нагамоти (куй оханги)га мос келишини айтади: “...халк орасида бир суруд бор экандурким, хазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф вазнида анга байт бошлаб битиб, анинг мисраидин сўнгра хамул баҳрнинг икки рукни била адо килиб, суруд нагамотига рост келтуурлар эрмиш ва ани “мустазод” дерлар эрмиш...”

Навоийнинг ўз даврида нихоятда машхур бўлган мустазодларидан бири “Наводиру-ш-шабоб” девонига киритилган бўлиб, шундай бошланади:

*Дин оғати бир мугбачаи моҳюлиқодур,*

майхораву бебок,

Ким ишкидин онинг ватаним дайри фанодур

сармасту яком чок.

Хам туррасининг дуду вараъ белига зуннор,

мен кофири ишки

Хам юзи мажус ўти киби шуълафизодур,

мен ўртанибон пок...

Алишер Навоийнинг замондоши тарихчи Зайниддин Восифийнинг “Бадоъеу-л-вакоеъ” асарида келтирилишича, бу мустазодга ўз даврининг машхур бастакори Хожа Абдулло Марворид куй басталаган. Кўшик шунчалик шухрат козонганки, Хиротда бу кўшикни тингламайдиган хонадон бўлмаган. Хатто бир базмда мустазоднинг “сармасту яком чок” сатри куйланётганда, мажлис ахли ўз ёкаларини йиртгандар ва бу холни бир тасодиф туфайли туйнукдан караётган хазрат Навоийнинг ўзи хам кўрган. Алишер Навоий кейинчалик “Хайрату-л-аброр”да бу ходисани шундай тасвирлайди:

*Базмда ул лахза алолони кўр,*

*Кўйи харобот аро гавгони кўр.*

*Кўрки, нечукдур яко чок айламак,*

*Ўзни фигон бирла халок айламак.*

Куллиётдаги учинчи жанр **мухаммас** бўлиб, “Хазойину-л-маоний”да мухаммасларнинг сони 10 та. Мухаммас арабча билдириб, “бешлик” маъносини хар банди 5 мисрадан иборат шеър хисобланади ва *a-a-a-a-a, b-b-b-b-a, c-c-c-c-a* тарзида кофияланади. Мухаммас мусаммат (бандли шеър)нинг бир тури бўлиб, яратилиш хусусиятига кўра икки хил бўлади:

1) табъи худ (мустакил);

2) тахмис (газални бешлантириш асосида яратилган).

Табъи худ мухаммасда шоир ўзга шоир шеърини асос килиб олмасдан, ўзи мустакил равишда бешлик яратади. Тахмисда эса муаллиф ўзга шоир ёки баъзида (жуда кам холларда) ўз газалини асос – замин килиб олиб, шу мавзуни давом эттиргани холда, вазн, кофия ва радифни саклаб колиб бешлик яратади. Бунда асос килиб олинган газалдаги хар байтнинг юкори кисмига уч мисра кўшилади. Мактаъ бандда тахмис боғлаётган шоирнинг тахаллуси хам келтирилади.

Кизиги шундаки, Алишер Навоийнинг “Хазойину-л-маоний”га киритилган 10 та мухаммасидан 3 таси “малику-л-калом” Лутфийга, колган 7 таси эса ўзининг машхур газалларига битилган тахмисдир. Мумтоз адабиётимиз тарихида ижодкорнинг ўз газалига тахмис битиш ходисаси жуда кам учрайди, Навоий тахмислари эса шоирнинг ўз газалларини бешлантириш асосида вужудга келганлигини кўриш мумкин. Демак, айтиш мумкинки, хазрат Навоий муайян мавзуга доир газал ёзар экан, орадан вакт ўтиб, шу мавзуга кайтишга эҳтиёж сезган ва шу тарика ўз газалларини мухаммас холига келтирган бўлиши мумкин. Мазкур холатни куйидаги жадвалда кўриш мумкин:

**Лутфийга тахмиснинг 1-мисраси ва у киритилган девон**

**Ўз газалларига тахмис**

**Мухаммаснинг 1-мисраси ва у киритилган девон**

**Мухаммасга асос бўлган газалнинг 1-мисраси ва у киритилган девон**

Халкайи зулфунгда қўнглум бўлгали гам маҳрами (“Гаройибу-с-сигар”, 1-мухаммас)

Охким, волих мен ул сарвижидомондин (“Наводиру-ш-шабоб”, 2-мухаммас)

Не наво соз айлагай булбул („Гаройибүнжүсжудар”, 38-газал)

Маснади хусн узра токим кўрмишам ул шохни (“Наводиру-ш-шабоб”, 1-мухаммас)

Бўлмагай эрди жамолинг мунча зебо кошки (“Наводиру-ш-шабоб”, 3-мухаммас)

Очмагай эрдинг жамоли ола („Наводиру-ш-шабоб”, 625-газал)

Шарбати юхийл изом эрни майи нобиндадур (“Бадоеъу-л-васат”, 1-мухаммас)

Неча, эй ой, мендин айру айлагай даврон сени (“Бадоеъу-л-васат”, 2-мухаммас)

Келgil, эй ороми жонимким, тилайдур жон сени (“Фавойиду-л-кибар”, 618-газал)

Охким, тарки мухаббат килди жонон окибат (“Гаройибу-с-сигар”, 2-мухаммас)

Ёшурун дардимни зохир килди афгон окибат

(“Наводиру-ш-шабоб”, 72-газал)

Жилва килди дахр аро күп хусни бехамто йигит (“Фавойиду-л-кибар”, 1-мухаммас)

Күнглум олди бир парийпайкар малаксиймо йигит (“Гаройибу-с-сигар”, 80-газал)

Ишк ўтидин жисми зори нотавоним ўртадинг (“Гаройибу-с-сигар”, 3-мухаммас)

Вахки, ўтлук чехра очиб хонумоним ўртадинг (“Наводиру-ш-шабоб”, 354-газал)

Күргузуб юз, күнглума юз минг жафому килмадинг (“Фавойиду-л-кибар”, 2-мухаммас)

Ишк ўтидин кисматим дарду балому килмадинг (“Бадоेъу-л-васат”, 356-газал)

“Хазойину-л-маоний”га **мусаддас** (“олтилик”) жанри хам киритилган бўлиб, куллиётдан 5 та мусаддас ўрин олган. Мусаддас хам мухаммас сингари икки турга бўлинади:

1) *табъи худ* (мустакил);

2) *тасдис* (газални олтилантириш асосида яратилган).

Куллиётдаги 5 та мусаддасдан 2 таси Лутфийга, биттаси Хусайнинга тасдис бўлса, биттаси шоирнинг ўз газалига тасдис ва биттаси шоирнинг ўз табъидан яратилган мусаддасдир.

Бу ходисани хам жадвалда кузатиш аникрок тасаввур беради:

**Табъи худ мусаддас**

<b>Лутфийга та</b>	<b>с</b>	<b>дис</b>
--------------------	----------	------------

**Хусайнинга тасдис**

**Үз газалларига тасдис**

**Тасдисга асос бўлган газал**

**Тасдис**

“Дахр аро чун қайгусиз йўқ хеч ишрат, эй рафик” (“Наводиру-ш-шабоб”, 1-мусаддас)

“Жоним ўртарга ул ўтлук чехра гулзори Халил” (“Бадоеъу-л-васат”, 1-мусаддас)

“Ишк зор этти халойик ибтиносидин мени” (“Бадоеъу-л-васат”, 2-мусаддас)

“ Субхидам махмурл (“Гарейи буғобонгандар димусаддас)

“ Вахки, диним қиёнотни турожабоби 580 фраза)

“Зулфу сиймин жисминг афъи ганжи Корун устина” (“Фавойиду-л-кибар”, 1-мусаддас)

Навбатдаги жанр **мусамман** деб аталиб, “саккизлик” маъносини билдиради. Алишер Нав ойгача туркий шеъриятда мусамман жанри

учрамайди. Куллиётда битта мусамман бўлиб, у “Фавойиду-л-кибар” девонига киритилган.

Мусамман

*a-a-a-a-a-a-a, b-b-b-b-b-b-a, c-c-c-c-c-c-a*

тарзида

К

офилялан

иб, 7 банддан – жами 56 мисрадан иборат. Шеър мураддаф (радифли) бўлиб, “эй кўнгул” жумласи радиф бўлиб келган. Мусамман ишкий мавзуда: ошикнинг ёр озоридан шикоят килиб, кўнгилга мурожаати тарзида яратилган. Мусамман куйидаги банд билан бошланади:

*Хар тараф азм айлаб ул шўхи ситамгор, эй кўнгул,*

*Тиги хажридин неча бўлгайбиз афгор, эй кўнгул,*

*Чун сафар айлаб эди бир катла дилдор, эй кўнгул,*

*Дарди хажрига бўлуб эрдук гирифтор, эй кўнгул,*

*Буйлаким, таъриф этиб гурбатни бисёр, эй күнгүл,*

*Шахру кишвардин малолат айлаб изхор, эй күнгүл,*

*Англадинг ё йўқмуким, айлар сафар ёр, эй күнгүл,*

*Вахки, бўлдук яна хажри илгидин зор, эй күнгүл...*

“Хазойину-л-маоний”да **таржиъбанд** жанри хам алоҳида ўрин тутади. Маълумки, таржиъбанд арабча “такрорлаб бoggamok” маъносини билдиради. Адабий истилоҳ сифатида эса бир неча банддан иборат бўлиб, газал сингари кофияланадиган, биринчи банднинг мактаъси колган бандларнинг сўнгида хам такрорланадиган шеър турини англатади. Бунда мактаъ мисралари ўзаро кофияланган бўлади.

Туркий адабиётда таржиъбанднинг илк намуналари Хофиз Хоразмий ижодида учрайди. Унинг девонига 3 та таржиъбанд киритилган.

“Хазойину-л-маоний” куллиётида 4 та таржиъбанд бўлиб, хар бир девонга биттадан жойлаштирилган. Таржиъбандларнинг иккитаси тасаввуфий-фалсафий, иккитаси ишкий мавзуда. Улардан “Эй кирпики нешу кўзи хунхор” деб бошланадиган таржиъбандни кўриб чиксак. Таржиъбанд 7 банддан иборат бўлиб, хар бир банд 8 байтни ўз ичига олади. Унинг умумий хажми 56 байт – 112 мисра.

Таржиъбанд ишкий мавзуда бўлиб, куйидаги банд билан бошланади:

Эй кирпики нешу кўзи хунхор,

Жонимни неча килурсен афгор.

Лаълинг гамидин кўнгулда эрди,

Хар конки сиришким этти изхор.

Хайхотки, хажринг илгидиндур

Жонимда алам, танимда озор.

Юзунгни кўруб мени рамида,

*Ишк ўтига бўлгали гирифтор.*

*Сен эрдинг мажлисим харифи*

*Ким, еди хасад сипехри гаддор.*

*Юз хасрат ила ё мени айирди*

*Васлингдин, аё, хужаста дийдор.*

*Эмдики фирок аро тушубмен,*

*Топкунча яна хариф, ё ёр.*

***Ёдингни килай харифи мажлис,***

### **Фикрингни этай қүнгүлга мунис...**

Күринадики, банд охиридаги байт ўзаро мустакил кофияланган мисралардан ташкил топган. Бу мисралар колган бандлар сўнгида хам такрорланади. Таржиъбандда бир пайтлар ёри билан хамнафас, улфат бўлган, эндиликда гаддор тақдирнинг зулми билан севгилисидан айрилган ошикнинг рухий кечинмалари баён килинади. Академик А. Каюмов ушбу таржиъбандни “Севгинома” деб атайди. Таржиъбанд хазаж баҳрининг хушоҳанг ва ўйноки вазнларидан бири – хазажи мусаддаси ахраби макбузи максур вазни да (рукнлари ва тактиъи: мафъулу мафоилун фавулун  
– – V / V – V – / V – ~) ёзилган.

“Хазойину-л-маоний”да битта **таркибанд** хам мавжуд. Таркибанд “бириктириб болгамок” маъносини билдириб, кофияланиш тизими ва хажмига кўра таржиъбандга якин туради. Факат ундан фаркли ўларок, таркибандда хар банднинг мактаъси ўзаро кофияланувчи ва бир-бирини тақрорламайдиган мустакил байтлардан иборат бўлади.

Алишер

Навоий

нинг

таркибанди марсия йўналишида бўлиб, устози ва дўсти Сайид Хасан Ардашер хотирасига багишлиланган.

Таркибандда шоирнинг азиз инсонидан айрилиши туфайли вужудга келган калб оғриклари, дардли хиссиятлари, алamu изтироблари баён килинади. Шоир, айникса, Сайид Хасан Ардашер вафот этган вактда Хиротдан узокда бўлганлиги, у билан видолаша олмаганигидан чексиз изтироб чекади.

Мазкур таркибанд “Наводиру-ш-шабоб” девонидан ўрин олган бўлиб, хажман 56 байтдан иборат.

Таркибанд куйидаги банд билан бошланади:

*Даҳр бодики жафо шориидур хар чамани,*

*Жуз вафо ахлига сончилмади аниңг тикани.*

*Кимдаким доги вафо кўрса шахид айламаса,*

*Лоласининг не учун конга бўялмиш кафани.*

*Поймол этмаса андинки келур меҳр иси,*

*Оёг остида недин колди гиёхи дамани.*

*Сафҳаи хотири пок ўлмаса барбод андин,*

*Бас, не соврулмок эрурким кўрар аниңг самани.*

*Ростлар бўлса анинг арсасида бархўрдор,*

*Жаврдин, бас, нега бебарлик эрур сарви фани.*

*Гар якин ахлини Мансур кеби катл этмас,*

*Бас нединдуру шажару сунбули дору расани.*

*В-ар камол ахли жалойи ватан эрмас андин,*

*Нега туфрогдур ул акмали даврон ватани.*

***Бахри урфон дури Сайийид Хасан улким афлок,***

***Етти дуржи аро бир кўрмади андок дури пок.***

Таркибанд рамал баҳрининг *рамали мусаммани солими маҳбуни маҳзуф* вазнида (рукнлари ва тактиъи: фоилотун фаилотун фаилотун фаилун

—  
V  
—  
— / V V —  
— / V V —  
-/ V  
V  
— ) ёзилган.

“Хазойину-л-маоний”дан ўрин олган битта **маснавий** хам Саййид Ҳасан Ардашер номи билан боғлик. Маълумки, маснавий арабча “иккилик” маъносини билдириб, хар банди икки мисрадан таркиб топувчи ва *a*, *б-б, в-в...*

тарзида кофияланувчи шеър туридир. Навоий ўзининг “Сабъаи сайёр” достонида бу жанрни алоҳида тавсифлаб, уни “васеъ” – кенг майдон деб атайди:

*Маснавийким, бурун дедим они,*

*Сўзда келди васеъ майдони.*

Мумтоз адабиётимиз тарихида яратилган маснавийларни шартли равишда икки турга ажратиш мумкин:

- 1) лирик маснавий (шоирнинг лирик кечинмалари, хис-туйгулари ифода этиладиган

шөър шакли);

2) эпик маснавий ёки достон (сюжет асосига куриладиган катта хажмли асар).

“Хазойину-л-маоний” куллиётидан ўрин олган маснавий лирик маснавий бўлиб, “Гаройибу-с-сигар” девонига киритилган. Маснавий шеърий мактуб тарзида ёзилган. Маснавийда Аллоҳ хамди ва Пайгамбар наътидан сўнг Сайид Хасан Ардашер шахсига таъриф-у тахсинлар айтилади:

*Вафо анга пеша, сахо анга фан,*

*Вафову сахо кони Сайид Хасан.*

Унда шунингдек, сўз таърифи, шеър ва шоирлик, бадиий ижод билан боглик масалалар хам каламга олинган.

“Хазойину-л-маоний” куллиётидаги навбатдаги жанр **касида**дир. Касида арабча “максад”, “ният” маъноларини билдириб, бирор тарихий шахс ёки воеага багишлиб ёзиладиган катта хажмли шеър тури хисобланади. Касидалар хажман 12 байтдан бир неча юз байтгача бўлиши мумкин.

Касида газал сингари *a-a, b-a, c-a, d-a ...* тарзида кофияланади. Айрим холларда маснавий сингари кофияланиши хам мумкин. Касида тузилишига кўра 2 хил бўлади:

1. *Касидаи том* (тўлик касида) – бунда касида тўрт кисмдан таркиб топади:

- а) насиб – лирик кириш (табиат тасвири);
- б) гуризгох – насиб билан мадхни багловчи, 4-5 байтдан ташкил топувчи кисм;
- с) мадх – асосий кисм;
- д) касд – мамдух (мадх этилаётган шахс)га ният ва истаклар билдирилаган кисм.

2. *Касидаи мужаррада* (чала касида) – бунда факат мадх келтирилади.

Касидалар мавзусига кўра *васф*, *мадх*, *хажв*, *марсия*, *муножот* ва *фалсафий* касидаларг а бўлинади. Туркий адабиётдаги илк касида “Девону луготит турк”да “кўнуг” шаклида учрайди.

Алишер Навоийнинг мазкур куллиётга кирган касидаси “Хилолия” бўлиб, учинчи девон “Бадоеъу-л-васат”дан ўрин олган. Касида тузилишига кўра тўлик, мавзусига кўра эса мадх касида хисобланади. Хажман 91 байтдан иборат. Касида замона хукмдори сultonон Хусайн Бойкаронинг Хурросон тахтига ўтириши муносабати билан ёзилган бўлиб, куйидаги байт билан бошланади:

*Чун нихон килди турунжи меҳр раҳшон талъатин,*

*Ошкор этти фалак бир тавки габгаб хайъатин.*

Мазкур касида рамал баҳрининг *рамали мусаммани маҳзуф* (рукнлари ва тактиъи: фоилотун фоилотун фоилотун фоилун, – V – – / – V – – / – V – – / – V –) вазнида яратилган.

“Хазойину-л-маоний”да катта хажмли шеърлардан **сокийнома** хам учрайди. Маълумки, сокийнома сокий (май куювчи)га мурожаат килиб ёзилган, маснавий шаклида кофияланадиган катта хажмли шеър бўлиб, бир неча бандни ўз ичига олади. “Хазойину-л-маоний” куллиётида битта сокийнома мавжуд бўлиб, “Фавойиду-л-кибар” девони таркибиға киритилган. Алишер Навоий сокийномаси турли хажмдаги 32 кисм(банд)дан иборат. Ж ами 458 байтни ўз ичига олади. Биринчи банд хажман анча катта (41 байт) бўлиб, куйидаги байт билан бошланади:

*Сокиё, тут кадаҳи шохона,*

*Катраси лаъл вале яқдона...*

Ушбу банд дунёning фонийлиги, фалакнинг бевафолиги тасвирига багишланган. Кейинги бандлар Хусайн Бойкаро ва шахзодалар таърифи хакида. 21-бандга келиб, Алишер Навоий ўзининг мархум икки хабиби Мирзобек ва Мир Дарвешни изтироб билан

ёдга олади:

*Бири хам ёр манга, хам фарзанд,*

*Жонга орому юракка пайванд.*

*Бири хамсухбату хамдарду рафик,*

*Тукканимдин доги юз катла шафик.*

22-23-бандларда Навоийнинг ижодкор дўсти Шайхим Сухайлий ва у яратган касидалар, 25-бандда Абдурахмон Жомий, 26-бандда Сайид Хасан Ардашер, 27-бандда Пахлавон Мухаммадлар хакида сўз боради. 28-банд ишк таърифига багишланган [1]. 29-банд эса вафо таърифи хакида бўлиб, шоир олам ахлида вафо йўклиги тўгрисида шундай ёзади:

*Оlam ахлида чу йўк ахли вафо,*

*Айларам мен даги жонимга жафо.*

30-31-бандлар Алишер Навоийнинг дўстлари: пири Муаммоий, Хожа Камол, Мир Садр, Ёр Танбал, олим Сабзорий, Мир Атойи, Фанойи, Осафий Хиравий, Биной, Султонали Машхадий, Котибийлар таърифига багишланган бўлиб, Алишер Навоий колган дўстларини “Мажолису-н-нафоис”да зикр этиб ўтганлигини таъкидлайди:

*Ўзгасин килмадим андин мазкур,*

*Ки “Мажолис”да эрурлар маstур.*

Сокийноманинг сўнгги 32-банди хазрат Навоийнинг сокийга мурожаат килиб, уни ринdlар базмига киритишини сўраб килган истак, илтижоси билан бошланиб, ринdlар шохи Султон Абулгозий Xусайн Бойкаро таърифи ва унга умрбокийлик тилагини билдириш билан якунланади.

Сокийнома рамал баҳрининг *рамали мусаддаси солими маҳбуни мактуъ ёки маҳзуф* (рукнлари ва тактиъи: фоилотун фаилотун фаълун  
ёки  
фаилун  
– V – / V V – / – ёки  
VV –) вазнида яратилган  
[\[2\]](#)

“Хазойину-л-маоний” куллиётида **китъа** жанри хам етакчи ўринни эгаллайди. Китъа (ар. “парча”, “бўлак”, “кисм”) 2 байтдан бир неча байтгача хажмда бўлган, факат жуфт мисралари кофияланадиган

(  
ба , ва, га ...

) байтли шеър шакли хисобланади. Туркий адабиётда китъанинг илк намуналари Носируддин Рабгузийнинг “Кисаси Рабгузий” асарида учрайди

[3]

Китъа, асосан, фалсафий, ижтимоий ва ахлок-одоб билан боглик мавзуларда яратилган. Шунингдек, китъа насрий асарларда маълум бир масала хакидаги фикр-мулохазаларга якун сифатида “киссадан хисса” тарзида келтирилган.

Алишер Навоий китъаларини мавзусига кўра шартли равишда икки гурухга ажратиш мумкин:

1) ижтимоий хаёт масалалари акс этган фалсафий-ахлокий мазмундаги китъалар:

*Кулокда асра гаронмоя сўзнию фикр эт*

*Ки, дурсиз ўлса, не бўлгусидур садаф холи.*

*Сўзунгни даги кўнгул ичра асрагилким, хайф*

*Ким, уйла дуржни гухардин эткасен холий.*

*Бу дуржу икки садафни тўла дур этканга,*

*Зихе улувви гухар, балки гавхари олий.*

2) муайян давр вокеа-ходисалари хамда у ёки бу гурӯҳ вакиллари фаолияти ҳакидаги китъалар:

*Фалон котиб ар хатни мундок ёзар,*

*Бу мансабдин ани кўпартмок көрак.*

*Юзин номасидек кора айлабон,*

*Каламдек бошин даги ёрмок көрак.*

Китъа баъзан *аа, бб, вв* тарзида хам кофияланиши мумкин. “Хазойину-л-маоний”га киритилган 210 китъадан 6 таси айнан шу тарзда кофияланган. (“Гаройибу-с-сигар”даги 41-китъа; “Бадойеъу-л-васат”даги 3-, 18-, 52-китъалар, “Фавойиду-л-кибар”даги 42-, 44-китъалар). Мумтоз адабиётимиз тарихида китъаларнинг бундай кофияланиш ходисаси деярли учрамайди.

“Бадойеъу-л-васат”даги 18-китъанинг кофияланишини кўриб чиксак:

*Бийик химматлик элга арзи **хол эт**, а*

*Замири нурпош элдин **савол эт**. а*

*Ки бор абри баҳоре **гавхарафшон**, б*

*Чокин хам олам ахлига **зарафшон**. б*

“Хазойину-л-маоний”да **рубоий** жанрининг хам ўзига хос ўрни бор. Рубоий (ар. “тўртлик”) икки байтдан иборат мустакил шеър бўлиб, стлаб форс-тожик шеъриятида, Абу Абдуллоҳ Рудакий ижодида пайдо бўлган.

да

Рубоийнинг 2 хил тури бор:

1) **хосий рубоий ёки рубоийи хоса** (кофияланиши: а-а, б-а):

*Сен боргали ортмиш күнгүл зорлиги,*

*Ох ўкларидин хар нафас ағфорлиги.*

*Билман унутулганму экандур манга хажр,*

*Ё күпрак эрур бу катла душворлиги.*

2) **таронайи рубоий ёки рубоия** (кофияланиши: а-а, а-а):

*Оллимда табиби чорасозим хам йўқ,*

*Ёнимда рафики дилнавозим хам йўқ.*

*Теграмда аниси жонгудозим хам йўқ,*

*Бошимда шахи банданавозим хам йўқ.*

“Хазойину-л-маоний”даги 133 та руböйдан 116 таси таронайи руböй хисобланади.

Руböй муайян композицияга эга. Мумтоз руböй талабларига кўра, унда тўрт унсур мавжуд бўлади. Мазкур унсурлар тўрт мисрада айтилмокчи бўлган фалсафий, ахлокий ёки дидактик фикрнинг маълум бир яхлитликка эришишини таъминлайди. Шу маънода тўрт мисрани куйидаги унсурларга таксимлаш мумкин:

- 1) тезис – унда руböйда айтилмокчи бўлган фикр, бошкача айтганда руböй мавзуси баён килинган бўлади;
- 2) антитетис – бунда биринчи мисрага карама-карши фикр айтилади;
- 3) моддаи руböй – тўртинчи мисрада айтилмокчи бўлган фикр учун кўприк вазифасини ўтайди;
- 4) синтез – хулоса.

Лекин бу унсурларнинг доимий мавжуд бўлиш талаби нисбий бўлиб, кўпинча тезис ва антитетиснинг ўрнига факат моддаи руböй ва синтезнинг кўлланилганлигини кузатиш мумкин. Юкорида келтирилган руböйда хам ошик кечинмалари, асосан, моддаи руböй тарзида берилган.

Руböй ўзига хос маҳсус вазнда ёзилади. Бу хазаж баҳрининг ахраб ва ахрам шажарасидир. Бу хақда Навоий “Мезону-л-авзон” асарида шундай ёзади:

“Руböй вазниким, они “дубайтий” ва “тарона” хам дерлар, хазаж баҳрининг “ахрам” ва “ахраб”идин истихроj килибдурлар ва ул вазнедур асру хушоянда ва вазнедур багоят рабоянда ”. Хазаж баҳрининг ахраб шажараси 12 вазнни, ахрам шажараси яна 12

вазнни ўз ичига олади ва ушбу жами 24 вазн рубоий вазнлари хисобланади. Рубоийнинг шеърий ўлчови билан бөглиқ мухим хусусият шундаки, бошка шеърий жанрлардан фаркли ўларок рубоийнинг тўрт мисраси мазкур шажараларга мансуб 4 вазнда ёзилиши мумкин. Масалан, Алишер Навоийнинг “Гаройибу-с-сигар” девонидаги 45-рубоийни тактиъи билан бирга кўрсак:

*Оlam бор эмиш, Навоийё шўрангиз,*

-- V / V - V - / V --- / ~

*Оlamдаги эл боштин аёг рангомиз.*

-- V / V - - V / V --- / ~

*Ишк истар эмиш сени адам Мисри сари,*

-- V / V - V - / V - - V / V -

*Боргилки, эрур эл тилаган ерда азиз.*

-- V / V - - V / V - - V / V ~

Юкоридаги чизмадан маълум бўляптики, мазкур рубоийнинг хар бир мисраси алоҳида вазнда ёзилган экан.

Туркий адабиётда рубоий жанрининг дастлабки намуналари Хофиз Хоразмий девонида учрайди. Унинг жами 12 та рубоийси мавжуд бўлиб, улар асосан рубоийи хоса шаклида яратилган. Демак, туркий адабиётда таронаи рубоийнинг илк бор кўлланилиши Алишер Навоий номи билан бўглик деб айтиш мумкин.

**Муаммо** (ар. “қўр килинган”, “беркитилган”) – бир, баъзан эса икки байтдан иборат мустакил шеър бўлиб, а-а ёки а-б тарзида кофияланади. Муаммода бирор исм ёки нарса-буюм номи беркитилади. Беркитилган сўз шоирнинг турли-туман ишоралари : маънодош ёки шаклдош сўзларни топиш, бир тилдаги сўзнинг иккинчи бир тилдаги муодили (эквиваленти)ни кўллаш, сўзлардаги маълум бир харфларни тизиб, янги сўз ясаш, баъзан эса абжад хисобини ишлатиб, ракамлар асосида сўз тузиш ва бошкалар асосида топилади. Муаммони ечиш учун даставвал асосий эътиборни матнда ишора килинган калит сўзга каратиш лозим бўлади.

Туркий адабиётда муаммо жанри Алишер Навоий ижодидан бошланган. Унинг “Хазойин у-л-ий” маон

куллиётида 52 та муаммо мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси куллиётдаги иккинчи девон “Наводиру

-

Ш

-

шабоб”га киритилган. Алишер Навоий муаммолари асосан бир байтли бўлиб, факат “Косим” исмига битилган муаммогина 2 байтдан иборат.

Навоийнинг баъзи муаммоларини кўриб чиксак:

Касди жонимга чу мужгонинг икки **саф** тузди,

Бири кош ёси, бири гамзанг ўкин кўргузди.

Бу муаммода калит сўз “саф” – “саф” жумласи оркали кўрсатилган, матнда бу сўз “икки” сўзи билан келтирилиши унинг ечими хам иккита эканлигига ишора килади. Биринчи

“саф”га кош ёси, яъни “

йой” (и) харфи, иккинчисига

гамза ўки, яъни “

алиф” (о)

харфи кўшилади ва натижада “

Саф

”

– “Сафи” ва “

Сафо

” –

“Сафо” сўзлари келиб чикади.

Килур эсанг манга **сомон** аё рафик хавас,

Анинг аёгига еткур менинг бошимни-ю бас.

Бу муаммода асосий эътибор “сомон” – “сомон” (осойишталик) сўзига каратилган.

Иккинчи мисрадаги “анинг аёгига бошимни еткур” жумласидаги ишорага кўра, “

Сомон

” –

“алиф”

(о)нинг оёги, яъни пастки кисмига “

□

” –

“МИМ”

(м)нинг бошини етказиш талаб килинади, натижада “

□

” –

“алиф”

харфи “

□

” –

“лом”

харфига айланиб, “

□

” –

“МИМ”

га кўшилади ва “

□□□□

” – “Салмон” сўзи келиб чикади.

Алишер Навоининг мазкур жанр назариясига багишлиган маҳсус асари хам мавжуд бўлиб, форс-тоҷик тилида ёзилган. Асар “Муфрадот” ёки “Рисолаи муаммо” деб аталади.

“Хазойину-л-маоний” куллиётида навбатдаги жанр **лугз** бўлиб, арабча “топишмок”, “сир” маъноларини англатади. Лугз форс-тоҷик адабиётида

чистон

(форсча “нима у”) деб хам юритилади. Лугз бирор предмет ёки ходисанинг характер ва белгиларини таърифу тавсиф этиш оркали китобхонни ўша предмет ёки ходисани топишга ундейдиган шеър турдири. Лугз даставвал халқ оғзаки ижодида вужудга келган бўлиб, X-XII асрлардан бошлаб форс-тоҷик шеъриятида истифода этила бошлаган.

Лугзлар газал, рубоий ва туюк каби хажм, кофия

ва бошка шаклий жихатлардан катъий конуниятга эга эмас. Улар фард, рубоий, китъа ва баъзан газал сингари кофияланиши мумкин.

Туркий адабиётда лугзнинг илк намуналари Алишер Навоий ижодида учрайди.

Шоирнинг “Хазойину-л-маоний” куллиётида жами 10 та лугз мавжуд бўлиб, барчаси “Бадоеву-л-васат” девонига киритилган. Мазкур жанрдаги шеърларида Навоий ўз атрофини ўраб турган предметларни ижтимоий муносабатлар ва турмуш ходисалари

билан боглик холда нозик юмор билан тасвирлайди. Навоий лугзлари асосан китъа (8 таси) ва робоий (2 таси) сингари кофияланган. Масалан, унинг “парвона” тасвирига багишланган лугзи таронаи робоий шаклидадир:

*Ул кушки, таашшуқдуур беше анга,*

*Бир нахлгаким шомдадур беше анга.*

*Шохи учидин аён бўлуб решасидин пеша анга,*

*Гул очмак ўшул решасидин пеша анга.*

**Туюк** (турк. “хис килмок”, “туймок”) – тўрт мисрадан иборат мустакил шеър шакли бўлиб, факат туркий халклар шеъриятида кўлланилган. Туюк асосан робоий сингари кофияланади, лекин баъзан *ба, ва* тарзида хам кофияланиши мумкин. Робоийдан фаркли ўларок туюқда кофиянинг ўрнида асосан

тажнис (шаклдош сўзлар) кўлланилади. Алишер Навоий “Мезону-л- авзон” мазкур жанрнинг хусусиятлари хакида шундай ёзади:

“...Бириси “туюг”дурким, икки байтка мукаррардур ва саъй килурларким, тажнис айтилгай ва ул вазн рамали мусаддаси максурдур, мундокким (туюг):

*Ё раб, ул шаҳду шакар ё лаб мурур?*

*Ё магар шахду шакар ёлабмуур?*

*Фоилотун фоилотун фоилон*

*Жонима пайваста новак отколи,*

*Гамза ўкин кошига ёлабмудур?*

*Фоилотун фоилотун фоилон”*

Бу ўринда Алишер Навоий туюкнинг уч жихатига: икки байтли бўлиши, тажнисга асосланиши ва маҳсус вазнда – рамали мусаддаси максур (маҳзуф)да ёзилишига диккат каратяпти. Бобур “Мухтасар”да туюкнинг навълари хакида гапириб, тажнисиз туюк хам мавжуд бўлишини айтади.

Навоийнинг “Хазойину-л-маоний” куллиётида жами 13 туюк мавжуд бўлиб, 11 таси *аа ба*, 2 таси *ба ва* тарзида кофияланган. Барча туюклар “Бадоеъу-л-васат” девонига киритилган.

Туркий адабиётдаги дастлабки туюк Лутфий девонида учрайди, лекин Н.Маллаевнинг ёзишича, туркий адабиётда туюкнинг илк намуналари Бурхониддин Сивосий томонидан яратилган.

“Хазойину-л-маоний”ни якунловчи жанр **фард** бўлиб, (ар. “якка”, “ёлгиз”) бир байтдангина иборат энг кичик мустакил шеър шакли хисобланади. Фард *a-a*, *ёки*, *а-б* тарзида кофияланади. Фард бир байтдангина иборат бўлса-да, унда муҳим фалсафий-ахлокий масала каламга олиниб, ихчам поэтик хулоса ифодаланади. Шу маънода фардлар кўпинча афоризм характеристига эга бўлади:

*Гофил ўлма, назардин итса аду,*

*Шамъ ўчурганда, ел кўринурму...*

*Киши айбинг деса дам урмагилким, ул эрур кўзгу,*

*Чу кўзгу тийра бўлди, ўзга айбинг зохир айларму?*

Алишер Навоийнинг “Хазойину-л-маоний”сида 86 та фард мавжуд бўлиб, 83 таси кофияли, утласи эса кофиясиздир. Фардларнинг барчаси “Фавойиду-л-кибар” девонига киритилган.

Туркий адабиётда фарднинг илк намунаси Хоразмийнинг “Мухаббатнома” асарида

учрайди.

**АДАБИЁТЛАР:**

1. Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. – Т.: Фан, 1988-1990. 3-6 жиллар.
2. Исхоков Ё. Навоий поэтикаси. – Т.: Фан, 1983.
3. Носиров О. ва бошкалар. Ўзбек классик шеърияти жанрлари. – Т.: Ўқитувчи, 1979.
4. Абдугафуров А.“Хазойин ул-маоний” жумбоклари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1994. – № 4-5-6; 1998. – № 6; 2000. – № 5.
5. Орзивеков Р. Лирикада кичик жанрлар.- Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976.
6. Навоийнинг ижод олами (маколалар тўплами). – Т.: Фан, 2001.
7. Хожиахмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Т.: Шарқ НМК, 1999.
8. Алишер Навоий. Газаллар. Шархлар. – Т.: Камалак, 1991.
9. Жумахўжа Н. Сатрлар силсиласидаги сехр. – Т.: Ўқитувчи, 1996.

10. Каюмов А. Дилкушо такрорлар ва рухафзо ашъорлар. – Т.: MUMTOZ SO’Z, 2011.

11. Комилов Н. Маънолар оламига сафар. – Т.: TAMADDUN, 2012.

---

[1] Академик Азиз Каюмов ушбу бандни “Севгинома II” деб атайди.

[2] Аслида рамали маҳбун вазни саккизта ритмик вариациядан иборат бўлиб, бу ритмик вариациялар сокийнома мисраларида ўзаро алмашиниб кўлланилган. Ритмик вариациялар таркибидаги ўзгаришлар, асосан, биринчи ва учинчи рукнданги бўгинлар сифатини ўзгартириш хисобига рўй бериб, иккинчи рукн ўзгаришсиз колаверади. Бунда биринчи рукн *фоилотун ёки фаилотун*, учинчи рукн эса *фаилун, фаилон, фаълун, фаълон* тарзида ўзаро алмашиниб кўлланавериши мумкин.

[3] Адабиётшуносликда туркий адабиётдаги ilk китъа Хоразмий “Мухаббатнома”сида учрайди деган караш бор. “Кисаси Рабгузий”даги шеърий парчаларнинг жанр хусусиятларини ўрганиш натижалари асарда китъа жанрига мос келувчи шеър мавжудлигини кўрсатди.

**Дилнавоз Юсупова**